

МУСТАҚИЛЛИК АЙЁМИГА 2 КҮН ҚОЛДИ



БУ — МЕНИНГ БАЙРАМИМ!

БУ — СЕНИНГ БАЙРАМИНГ!

БУ — ҲАММАМИЗНИНГ БАЙРАМИМИЗ!

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат



Халқ сўзи



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

29 август, пайшанба, 1996 йил
Сотувада эркин нархда. № 175 (1427)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ФАН ВА ТЕХНИКА СОҲАСИДА БЕРУНИЙ
(АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ) НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ
МУКОФОТИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Фундаментал фанни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган илмий тадқиқотлар, янги технологияларни ишлаб чиқариш ва жорий этганлиги, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасига салмоқли ҳисса қўшганлиги учун куйидагиларга 1996 йил учун фан ва техника соҳасидаги Беруний (Абу Райхон Беруний) номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари берилсин;

Э. Т. Абдукаримовга, Н. Х. Жемилевга, Э. Г. Назаровга — «Атом комплексларининг қаттиқ жисм сирти билан ўзаро таъсири; Янги технологиялар ва приборлар (1979-1995 йиллар давридаги тадқиқотлар шикли)» тадқиқоти учун;

С. С. Содиқовга (марҳум), В. А. Автономовга, А. М. Батталовга, К. М. Маҳмадалиевга — тезпишар ва серҳосил, тола сифати юқори бўлган ўрта толали гуза навлари яратгани ва ишлаб чиқаришга жорий этгани учун;

М. Календеровга, К. Д. Давлетбоевга, Р. Есемуротовга, А. Турабоевга — «Қорақалпоқ тилининг изоҳли лугати» (тўрт жилд) яратганлиги учун;

О. С. Маҳмудовга «Болаларга ўқиб-йирик касалликлар» иши учун.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
1996 йил 28 август.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

САССОН КАКШУРИНИ «ДЎСТЛИК»
ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ
ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасида теннисни тарғиб қилиш ва ривожлантиришга, халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси учун «ИТП Лимитед» компанияси президенти, халқаро теннис турнирлари ташкилотчиси Сассон Какшури «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
1996 йил 28 август.

БУГҮН ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИ ОЧИЛАДИ

(сессияга бағишланган мақолаларни газетанинг 2-, 3-саҳифаларида ўқийсиз).

ДЎСТЛИК САРОЙИДА ҚЎШИҚ БАЙРАМИ

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БЕШ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ ЎТКАЗИЛГАН «ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ» КЎРИҚ-ТАНЛОВИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ. 28 АВГУСТ КУНИ ТОШКЕНТДАГИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА МАЗКУР ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ ВА КАТНАШЧИЛАРИНИНГ КАТТА КОНЦЕРТИ БЎЛДИ. КОНЦЕРТГА ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШРИФ БУЮРДИ.

Маҳобатли зал санъат ихлосмандлари билан гавжум. Қўшиқ байрами Ўзбекистон Давлат маҳияси билан очилади.

Юртбошимиз Ислам Каримов «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танлови қатнашчиларига табрик йўллаган ҳамда «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқ байрами ҳақида Фармон қабул қилган эди. Унга қўра ҳар йили август ойининг учинчи яқинбаши «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқ байрами кўриқ-танлови бўлиб ўтганлиги билан таъриф қилинди. Президент

нинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев мазкур табрик ва Фармонни ўқиб эшиттирди. Муҳташам саройда миллий анъаналаримизни, асрий қадриятларимизни улугловчи, ватанга, халққа меҳр-муҳаббат туйғулари билан йўрилган қўшиқлар янгради. Уларда бунёдкор халқимизнинг фидокорона меҳнати, юртимизнинг бай-з таровати тараннум этилади.

Республикаимиз Президенти маданиятни юксалтиришга, санъатни ривожлантиришга алоҳида эътибор

бераиб келмоқда. Бу айниқса, ёш қобилият соҳибларига ғамхўрликда янада яққол намоён бўлаётди.

В. Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган ўрта мактаб-интернати ўқувчиси, ёш скрипкачи Даниэл Холиқов ана шундай меҳр ва ғамхўрликдан баҳраманд бўлган, бугунги кунда юртимиз шарафини бутун дунёга таратаётган истеъдод эгаларидан биридир.

Концертда беш санъаткорга унинг мусиқа ижрочи-

лик маҳоратини ошириш, халқаро кўрикларда муваффақиятли қатнашишини таъминлаш мақсадида Президент Ислам Каримов номидаги нодир мусиқа асбоби — италиялик таниқли уста Пьер Лоренсо Вангелисти томонидан 1760 йили ясалган скрипка топширилди. Ёш созанда мазкур скрипкада илк бор куй ижро этди.

Шу оқшом қуйланган Ватаним мадҳ этувчи, халқимизнинг гурурини қўққа кўтарувчи қўшиқлар тингловчилар олқисига сазовор бўлди. Бу эса қўшиқ

байрами яхши анъаналарга айланиб қолишидан далолат беради.

Концертда республика Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ҳ. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мазкур танловни ўтказиш республика кўмитаси раиси И. Жўраев, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раиси ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тулаганов ҳозир бўлди.

(УЗА).

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ, ТАРАҚҚИЁТ ВА РАВНАҚНИ КЎЗЛАБ

Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Стабильность и реформы» («Барқарорлик ва ислохотлар») китоби билан таништирув маросимини ўтказди.

Илгари хабар қилинганидек, давлатимиз бошлиғининг нутқлари ва мақолалари жамланган бу китоб Москвадаги «Палес» халқаро нашриёти томонидан «XX аср — халқлар дохийлари» туркумида босиб чиқарилган эди. Тошкентда ана шу нашр билан танишиш учун Ташқи ишлар вазирлигининг қабулхона уйига республика ва хоризжий оммавий ахборот воситаларининг журналистлари, олимлар, маданият арбоблари,

бир қанча давлат тузилмаларининг ва пойтахт жамоатчилигининг вакиллари таклиф этилди.

Россия Федерациясининг республикаимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Филипп Сидорский учрашувни очар экан, Ўзбекистон Президентининг янги китоби катта умумхалқ байрами — мамлакат мустақиллигининг беш йиллиги арафасида нашр этилгани муҳим эканлигини таъкиллади. Чунки шу йилларда эркин ва мустақил Ўзбекистонда

амалга оширилган барча ишлар, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ислохотлар, улкан ўзгаришлар ҳозирги даврнинг йирик давлат арбоби ва аввало истеъдодли, халқ манфаатлари йўлида ҳармай-толмай меҳнат қилишни ўзи учун шараф деб билдирган Ислам Каримов номи билан бево-сита боғлиқдир.

Янги китобнинг қиммати шундаки, деди элчи, унда тўпланган нутқ ва мақолалар

(Давоми 3-бетда).

ПАРТИЯ ФРАКЦИЯЛАРИДА

28 август куни Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг мамлакат парламентидаги фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда биринчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олтинчи сессияси кун тартиби ҳамда унинг муҳокамасига киритилиши мўлжалланаётган ҳужжатлар юзасидан фракция нуктаи назарини ишлаб чиқиш ҳақидаги масала кўрилди. Шу тўғрисида фракция раиси, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов маъруза қилди.

Йиғилишда сессия кун тартибига киритилган масалалар халқимизнинг тўб манфаатларига тўла жавоб бериши, бу лойиҳалар ва ҳужжатларни тайёрлаш жараёнида ХДПдан сайланган депутатлар фаол иштирок этганлигини ҳисобга олиб, уларни қўллаб-қувватлашга қарор қилинди. Фракция аъзолари сессия ишининг самарали ўтишига муносиб ҳисса қўшишга даъват этилди.

Йиғилишда, шунингдек, фракция аъзоси, «Чағанён» ҳиссалорлик жамияти бошқаруви раиси Комилжон Сапиевнинг ўз депутатлик ваколатларини қандай бажарётганлиги ҳақидаги ахбороти тингланди. Фракция йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини ўринбосари Дилбар Фуломова иштирок этди.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Олий Мажлисидаги фракцияси аъзоларининг йиғилиши бўлди. Уни фракция раиси Анвар Жўраев олиб борди.

Йиғилишда Олий Мажлис олтинчи сессияси кун тартибига киритилган ҳужжатлар муҳокама қилинди.

Фракция йиғилишида сўзга чиққан Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Олий Мажлисидаги фракцияси аъзолари — республика Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Акмалжон Қосимов, АСДП Сиёсий Кенгашининг иккинчи котиби, «Конструктор» илмий-ишлаб чиқариш биразлими бош директори А. Фуломмаҳмудов, ЎзФА Президенти Т. Жўраев, депутатлар Ч. Абдулов, А. Аҳмадов, М. Содиқова, М. Собиров, П. Шариповлар Ўзбекистон Олий Мажлисининг олтинчи сессияси муҳокамасига қўйилган масалалар мамлакатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкиллади ўтди.

Шу кун «Ватан тараққиёти» партиясининг республика парламентидаги фракцияси аъзоларининг йиғилиши бўлди. Йиғилишда «Ватан тараққиёти» партияси раиси, фракция раҳбари Анвар Йўлдошев олиб борди. Унда Ўзбекистон Олий Мажлиси олтинчи сессияси кун тартибига киритилган масалалар атрофида муҳокама этилди.

Сессия кун тартибидан урин олган «Сиёсий партиялар тўғрисида» қонун лойиҳасини, айниқса, фракция аъзолари қизгин муҳокама этилди. Бу хусусда қатор таклиф-мулоҳазалар билдирилди.

БАЙРАМ ҚУТЛОВЛАРИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг қутлуғ беш йиллиги байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига меҳнат ва илм даргоҳлари жамоалари, фуқаролардан байрам табриклари, мактублар келмоқда.

Уларда юртимизда қарор топган бунёдкорлик, тинчлик ва осойишталикдан шукроналик, Ватанимизнинг ёрқин келажакка қатъий ишонч туйғулари изҳор этилган. Қуйида ана шундай табриқномалардан айримлари билан танишасиз:

Ассалому алайкум, Президентимиз Ислам Абдуганиевич!
Авало оиламиз номидан Сизни мустақиллигимизнинг 5 йиллиги билан чин дилдан муборакбад этамиз.

Мустақил юртимизда эзу ишларимиз, режаларимиз ривож топмоқда. Андиқонининг Асака шаҳрида бунёд этилган «УЗДЭУ-авто» қўшма корхонасининг ишеа туширилиши фикримизнинг исботидир.

Урта, олий таълимда ҳам катта ютуқларга эришмоқдамиз. Олий ўқув юрталарига ўқувчиларнинг тест санои орқали қабул қилиниши халқимиз кўнгидаги иш бўлди. Оиламиздан икки киши ана шу усул билан олий ўқув юрталарига қабул қилинди. Улар оиламиз сулоласини давом эттириб, ўқитувчилик касбини эгалламоқда.

Ислам Абдуганиевич! Сиз бошқараётган мамлакат фуқаролари ҳақиқатан ҳам ўз юрти мустақиллигини сеувачи, ўз орзу-нияти, ўзига хос ҳаётга эга эдилар. Биз ана шундай юр-тда яшаётганимиз билан фах-

рланамиз ва халқимиз учун хиз-мат қилишни бурчимиз деб би-лалишим.

Ҳамиша ҳақиқат учун, халқ учун, эл-юртининг учун нормай-толмай хизмат қилишига мўла-зимат қилишимиз билан қўла-миз.

ЖўРАЕВЛАР ояласи,
Жиззах вилояти,
Жиззах тумани,
Қаҳрамон қишлоғи.

Хурматли Ислам Абдуганиевич!
Биз, Ал-Хоразмий номидаги Урганч давлат университети профессор — ўқитувчилари ва талабалари, жонанжон мамла-катимиз мустақиллигининг 5 йиллиги билан Сизни ва Сиз йўлбошчилиги қилган бутун республика халқини чин дилдан муборакбад этамиз. Юртимиз равақи ва тинчлиги йўлидаги фидокорона фаолиятингизга муваффақиятлар тилаймиз.

Беш ил нисбатан қисқа му-дат, албатта. Лекин шу давр-да республикаимизда Сиз раҳбарлигингизда амалга оши-рилган улкан ишлар унинг

саломатини сарбаанд қилади. Шунинг учун ҳам жамоамиз руҳи баланд ва биз Сиз олиб бораётган ички ва ташқи сиебатни қўллаб-қувватлаймиз. Биз, профессор-ўқитувчилар талабаларни ҳар томонлама чуқур билимла, қобилиятла, шарқона ахлоқ ва одоб соҳиб-этиб тарбиялашда, замонавий мутахассислар етиштириш йўлида билим ва тажрибаимизни аямлаймиз.

Университетимиз жаҳон тажрибаси асосида республика-мизга юксак малакали кадрлар тайёрлаб беради деб Сизни ишонтирамыз.

А. САЪДУЛЛАЕВ,
университет ректори.

Сизга узоқ умр, сизат-сало-матлик, халқимизнинг тинчли-гини муҳофаза қилувчи ишларин-гизда катта муваффақиятлар тилаймиз.

Шоҳида ТҲУТАСИНОВА,
Фаргона вилояти,
Ўзбекистон тумани.

Ассалому алайкум хурматли Президентимиз!
Сизни мамлакатимиз мустақиллигининг беш йил-лик тўйи билан чин дилдан қутлайман. Сизга узоқ умр, сизат-сало-матлик тилай-ман. Бизнинг бахтимизга доимо омон бўлинг.

Қутлуғ байрам арафасида Сизга берган ўқувчилик аводам-ни бажарганимдан бениҳоя

бахтиёрман. Бундан роппа-роса тўрт йил олдин 8 ёшда б-синфда ўқир эдим. Бугун эса 12 ёшда Тошкент давлати иқтисодиёт университети қошидаги лицейни аёва баҳарлар билан тамомлаб, жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан талабаси бўлишга муваффақ бўлдим.

Орзуларим катта. Олий ўқув юртини тугатиб, келажаги буюк Ўзбекистонимизнинг равақига ўз ҳиссамни қўшсам дейман.

Мурод Мирзо ШАРИПОВ,
Тошкент шаҳри.

Қадри Ислам Абдуганиевич! Сизни ва Сизнинг сиймон-гизда бутун Ўзбекистон халқини буюк байрам билан қутлайман. Яратгандан кўп миллатли халқимиз бахтига сизат-сало-мат бўлишимизни, узоқ, бахтли ҳаёт кечирши-гини сўрайман. Ватанимиз раваққа тавассул, бойиб, гуллаб яшайверсин!

Иван КОНДРАТОВ,
иқкпчи гуруҳ уруш ногирони,
Тошкент шаҳри.

ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИГАН ҚОНУНЛАР ВАТАН РАВНАҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДА КАТТА ИМКОНИЯТЛАР ОЧАДИ

Маълумки, Олий Мажлис Кенгашининг қарорига биноан сессия кун тартибидан «Консуллик устави» Қонун лойиҳаси ҳам ўрин олган. Мухбиримиз мушаррийларни ушбу қонун лойиҳаси билан таништириш мақсадида Олий Мажлис Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар кўмитаси раисининг муовини Иброҳимжон ЮСУПОВАга мурожаат этди.

Истиқлол шарофати боис мамлакатимиз халқаро майдонда мустақил субъект сифатида иш юритиш ҳуқуқига эга бўлди, — дейди И. Юсупов. — Айни дамда Ўзбекистон жаҳон ҳамjami- ятида ўз ўрнига эга бўлмоқда. Яқинда Ўзбекистон билан Европа Иттифқи ўртасида шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисида имзоланган битим, шунингдек, Президентимизнинг АҚШга қилган ташри- фи яқунда бунинг ёрқин далилидир.

Шуни ҳам айтиш жоизки, ўтган беш йил мобайнида мамлакатимиз 100 га яқин давлатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатди. Ҳозирги кунда дунёнинг 21 давлати- да республикамиз элчихона- лари очилган. Жаҳоннинг 10 та йirik шаҳарларида эса Ўзбекистон Республикаси- нинг консуллик идоралари мустақил фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари БМТ (Нью-Йорк) ва ЕХХТ (Вена) қошида Ўзбекистон Республикаси- нинг ваколатхоналари очил- ган. Бугунги кунда мамла- катимизда 35 та чет эл дав- латларининг элчихоналари, Бош консулхона ва 13 та халқаро ташкилотларнинг ва- колатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Бундай вако- латхоналарнинг сони респу- бликамизда кун сайин кўпаймоқда.

Ҳозирги замон халқаро муносабатлари ривожланти- ришда консуллик идоралари муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистоннинг консуллик идоралари халқаро муноса- бабларни ривожлантиришда айрим ҳуқуқий мажбурият- ларни бажариш билан бир қаторда ҳорижда вақтинча ёки доимий равишда яшаётган Ўзбекистон фуқароларини ҳуқуқ ва ман- фаатларини ҳимоя қилади. Ундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг консуллик идораси жойлашган оқруда яқин томонда иқтисодий, маданий ва ижтимоий муно- сабатлари ривожлантириш учун хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси- нинг консуллик идоралари фаолиятини янада такомил-

лаштириш мақсадида кўми- тамиз аъзолари Ташқи иш- лар вазирига, Ақлия вазири- га ва Ўзбекистон Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институти мутахассислари билан ҳамкорликда Консул- лик уставининг лойиҳаси ус- тида иш олиб бордилар. Ушбу қонун ривожланган давлатлар қонунлари, халқаро актлар асосида халқаро ҳуқуқнинг умум эъ- тиҳад этилган норма ва қоидалари ҳамда мамлаката- миз Конституцияси асосида ишлаб чиқилди. Шунингдек, мазкур қонун лойиҳасини тайёрлашда «Консуллик му- носабатлар» ҳақидаги 1963 йил 24 апрелда қабул қилин- ган Вена конвенцияси қоида- ларидан келиб чиқиб иш олиб борилди.

Консуллик уставини қонун сифатида қабул қилиш тақлифи билан чиқишимиздан мақсад, у Ўзбекистон Республикаси- нинг консуллик идоралари- ни халқаро муносабатларда ҳуқуқ ва мажбуриятлари ба- жаришга ёрдам беради.

Ушбу ҳужжат лойиҳаси тўрт бўлим, 13 боб ва 78-мод- далдан иборат. Унинг бирин- чи бўлими умумий қоидалар- дан иборат бўлиб, юридик терминларнинг маъносини ифо- да қилади. Лойиҳанинг 2-моддаси муҳим аҳамиятга эга. Негаки, у Ўзбекистон Республикаси қайси давлат билан консуллик муносабат ўрнатган бўлса, шу давлат- ларда консуллик муассасала- рини таъсис этади. Консул- лик муносабатларини ўрна- тишга оид битим бўлмаган тақдирда эса дипломатик му- носабатларнинг ўрнатилиши консуллик муносабатларининг ҳам ўрнатилиши деб ҳисобланади. Бироқ дипло- матик муносабатларнинг уз- лиши ўз-ўзидан консуллик муносабатларининг ҳам уз- лишини ва унинг фаолияти тугатилишини аниқламайди.

Қонун лойиҳасини иккин- чи бўлими консуллик вази- фалари ва уларни бажариш тартибига бағишланган. Бу бўлимда консуллик муассаса- сининг барча вазифалари тўлиқ белгилаб берилган. IX бобда эса консулхона жой-

лашган оқруда бiron-бир касаллик вужудга келса, ал- батта, Ўзбекистон Республи- касидаги мутасадди ташки- лотларни хабардор қилиши белгилаб қўйилган.

Қонун лойиҳасининг учинчи бўлими ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда нотариал ҳаракатни бажариш Ўзбекистон Респу- бликасининг қонун ҳужжатла- рига эдил бўлса ёки Ўзбекистон фуқароларининг шаъни ва қадр-қимматига пўтур ет- казувчи матълумотларга эга бўлса, унда консул бундай ҳужжатларни нотариал ҳара- катларни бажариш учун қабул қилмайди, дейилади.

Қонун лойиҳасининг охириги тўрттинчи бўлимида имтиёзлар, иммунитетлар ва қайси ҳолда консуллик ва- зифалари тўхталлиши мум- кинлиги ҳусусида сўз бора- ди. Ушбу бўлимда консуллик муассасалари, унинг холим- лари ҳамда уларнинг оида аъзолари 1963 йилги консул- лик муносабатлари тўғрисидаги Вена конвенци- ясида, Ўзбекистон Республи- каси билан консулхона жой- лашган давлат тўғрисидаги шартномаларда, шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг умумий нормаларида назарда тутил- ган имтиёзлар ва иммунитет- лардан фойдаланиш баён этилади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси- нинг Консуллик устави тўғрисидаги қонун лойиҳаси Ўзбекистонни чет эл давлатлари билан турли хилдаги муносабат- ларини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу Қонун лойиҳасини Ўзбекистон Олий Мажли- си VI сессиясида қабул қилиниши ҳамда самарали амалга оширилиши мамла- катимизни халқаро май- дондаги обрў-эътиборини янада мустақамлаши шак- шубҳасиздир.

«Халқ сўзи» мухбири
Фуркат САНАЕВ эъиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтин- чи сессияси кун тартибидан мамлакатимиз тараққиётини юксалтириш ва унинг ҳуқуқий асосларини мустақамлашга хизмат қиладиган бир қатор янги қонун лойиҳалари ўрин олган. Яна бир аҳамиятга томонли шун- даки, бу галти сессия Ўзе- бкистон Мустақиллигининг беш йиллиги байрами ара- фасида бўлиб ўтмоқда. Айтиш жоиз бўлса, бу сафар депутатларимиз ушбу анжуманга улкан масъулият туйғуси ва ўзгача кайфият билан келиш- ди. Буни уларнинг чеҳраларидан ҳам пайқаб олиш қийин эмас.

28 август, соат 9.00. Ви- лоятлардан сайланган деп- путатлар рўйхатдан ўтиш учун бирин-кетин Олий Мажлисининг мажлислар залига кела бошлади. Қашқадарёлик бир неча деп- утатлар гангир-гунгир сўхбатлашиб кириб келиш- ди. Кейин бухороликлар, қорақалпоғистонликлар... Бир зумда фойе депутат- лар билан гажум бўлиб кетди. Бу ерда улар учун қулай шароит яратилган. Чаққон қизлар компьютер- лар ёрдамида бир пасда деп- утатларни рўйхатдан ўтка- зади. Сессия кун тартиби- га тааллуқли тегишли маъ- лумотлар ва ҳужжатлар тарқатиляпти.

Биз депутатлардан айрим- ларининг сессия кун тарти- бидати масалалар ҳусусида-

АҲАМИЯТИ БЕКИЁС

(МАЖЛИСЛАР ЗАЛИ ФОЙЕСИДАН РЕПОРТАЖ)



ти фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

Абдуназар АБДУОЛИ-МОВ,
120-Пахтачи сайлов округи,
Самарқанд вилояти:

Сессия муҳокамасига жуда муҳим масалалар кири- тилган. Айниқса, «Уруғчилик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кун тар-

тибидан ўрин олганлиги- ни аниқ мулоҳаза бўлди, деб уйлайман. Чунки, уруғчилик ва селекция ишларини яхшиламоқдан туриб, қишлоқ ҳўжалигида юқори нати- жаларга эришиш жуда мушкул. Шу пайтгача бизда бунақа қонун йўқ эди. Бу соҳада эътибор- сизлик туфайли уруғчилик бузилиб кети-

тидан ўрин олганлиги- ни аниқ мулоҳаза бўлди, деб уйлайман. Чунки, уруғчилик ва селекция ишларини яхшиламоқдан туриб, қишлоқ ҳўжалигида юқори нати- жаларга эришиш жуда мушкул. Шу пайтгача бизда бунақа қонун йўқ эди. Бу соҳада эътибор- сизлик туфайли уруғчилик бузилиб кети-

тидан ўрин олганлиги- ни аниқ мулоҳаза бўлди, деб уйлайман. Чунки, уруғчилик ва селекция ишларини яхшиламоқдан туриб, қишлоқ ҳўжалигида юқори нати- жаларга эришиш жуда мушкул. Шу пайтгача бизда бунақа қонун йўқ эди. Бу соҳада эътибор- сизлик туфайли уруғчилик бузилиб кети-

Мардон ОЛТИЕВ,
64-Қорақўл сайлов округи,
Бухоро вилояти:

— Мен Олий Мажлисинг Матбуот ва оммавий ахборот кўмитасига аъзоним. Шу боис сессия кун тартибидан «Муаллифлик ҳуқуқи ва турлош ҳуқуқлар тўғрисида»ги ҳамда «Ноширлик фаолияти тўғрисида» қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш жараёнига иштирок этганман. Маълумки, солиқ Иттиҳод даврида бундай турғани ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмаган. Фақатгина эски фуқаролик кодексининг айрим моддаларида ушбу масалага қис- ман тўхталиб ўтилган эди, ҳалоқ. Етарли даражада ҳуқуқий ҳимояга олинмаганили сабабли жуда кўп китоблар, дарсликлар ва адибларнинг асарлари узок вақт чўқ эмпиласдан қалиб кетарди. Чўқиб бундан учун ҳч кимнинг зиммасига жаавбарлик масъули- ят юкатилимас эди.

Мана, эндиликда мустақил республикамизда ilk бор ана шу масалаларни ойлдиштири- радиган янги қонунлар қабул қилинаётган. Бу эса мамлаката- мизда қонунчиликка катта эътибор бериляётганлигидан далилат беради, албатта.

Рафур ЭШМУРДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҚОНУНЛАРНИНГ ИШЛАШИ ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ГАРОВИДИР

Олий Мажлис сессияси кун тартибига «Уруғчилик тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг киритилганлиги биз — деҳқонлар учун аниқ му- доа бўлди. Чунки ҳосилнинг ибтидоси уруғчиликдан бошланади.

Қадимда ота-боболаримиз энг серҳосил навларни уруғ учун танлаганлар, авайлаб асраганлар. Мен галларкор дидерда воёга етганим учун ҳам ушбу соҳага қизиқаман, уруғчилик билан шуғулланаман. Илгари туятилиши, оқ бугдой каби бугдойнинг ундан зиёв нави экилиб келинган. Деҳқон ана шу навлардан уруғлик гамлаб қўйган. Зеро, бу нав бугдойнинг ундан Шарқда тайёрланган нон Шарқда маълу мушқур бўлган. Собиқ совет даврида уруғчиликка унчалик эъти- бор берилмади. Ҳатто иқлим шароитимизга мос

бўлмаган, салқин улкалар- да етиштирилган, бизнинг иссиқ шароитимизга мулақо турги келмайдиган навларни экиншимизга турги келди. Шу тарикда уруғчиликка пўтур етказил- ди, ҳосилдорлик пасайиб кетаверди.

Ҳужаликларда етишти- рилган доннинг ҳаммасини қабул пунктларига топи- риш юбориш, у ёқдан эса дуч келган уруғлик учун тавсия этиш каби ҳоллар бу соҳага жиддий пўтур етқа- ди.

«Уруғчилик тўғрисида» ги қонун лойиҳаси агар сессияда қабул қилинса, бу соҳадаги

ишларга катта ўзгаришлар киритиши аниқ.

Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш кераки, галла- чилик тўғрисида алоҳида қонун қабул қилиш лайти етди. Мазкур қонун кучга кириши билан галлачилик- даги барча соҳаларни баб- бастав ривожлантириш этишқболлари очилган бўлур эди.

Кейинги йилларда на- слчилик ишлари ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилмоқда. Наслчиликни ҳар ҳўхатдан такомиллаштиримасдан ту- риб, чорва тўёқ сонини устириб бўлмайди. Аҳолининг гўшт, сўт, ту- хумга бўлган эътиҳебини қондириш мушкул. Бу тўғрида ҳам республика миҳёсида ҳўжатлар қабул қилиниши лозим. Шунинг- дек, қонунларнинг жойлар- да амал қилинишини таъ- минлашга ҳам доимий эъ- тибор қаратишимиз керак. Зеро, қонунларнинг ишла- ши — тараққиётимиз га- ровидир.

Муслимов САОДАТОВ,
Қамани туманидаги
«Галларкор» жамoa-ширак
ҳўжалиги бош ҳосилоти.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚЎМИТАЛАРИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитасининг йилгилиги бўлди. Унда «Виждон эркин- лиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қону- нининг ижро этилиши ҳақида»ги масала муҳокама этилди.

Йилгилиш мазкур кўмита раиси А. Холмурадов бошқарди.

Ўзбекистон жаҳон ҳамjami- ятида эъзо бўлган, деб таъкидланди йилгилишда, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларининг конституцион ҳимоя этилишини тўлиқ қароватлаштириш эришини йўналиш ҳаракат қилинмоқда. Бунга Ўзбекистон Республикаси Ыршадан Миллиятлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича қабул қилган барча ҳўжатларига имзо чеккан- лиги далил бўлиб хизмат қилади.

Йилгилишда «Бўёқ хизматлари учун» орденини таъсис этиш тўғрисидаги ҳамда «Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий ту- зилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгариштириш масалаларини ҳал этиш тартиби» тўғрисидаги қонун лойиҳалари ҳам кўриб чиқилди. Депутатлар ушбу лойиҳалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди, қонун лойиҳаларини асосан маъқулладилар.

Йилгилишда Олий Мажлисининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва озиқ-овқат ҳамда Матбуот ва ахборот кўмиталари тайёрлаган «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги ҳамда «Муаллифлик ҳуқуқи ва турлош ҳўқуқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳалари муҳокама қилинди. Ушбу лойиҳалар юзасидан кўмиталарнинг тегишли қарорлари қабул қилинди. Мазкур қонун лойиҳаларини Олий Мажлисининг олтин- чи сессияси кун тартибига киритиш тавсия этилди, ҳўжжати ҳўқуқчилик тўғрисида Ўзбекистон Олий Мажлиси Раваннинг ўринбосари А. Қосимов, Олий Мажлисининг Фан, таълим, маданият ва спорт масала- лари кўмитаси аъзоси, республика Бош вазирининг ўринбосари Д. Ғуло- мовга қатнашди.

(У.А.)

Мусулмов САОДАТОВ,
Қамани туманидаги
«Галларкор» жамoa-ширак
ҳўжалиги бош ҳосилоти.

АДВОКАТЛАР ВАКОЛАТИ КЕНГАЯДИ

Маълумки, Олий Мажлисининг навбатдаги сессияси муҳокамасига иқтисодий ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари киритилган. Зеро, бу табиий ҳолдир. Чунки ўтиш даврининг асосий мақсадларидан бири — демократик тузумни мустақамлаш, жамият ҳаёти ва ҳўжалик фаолиятини ташкил этиш тизими- да қонун ва ҳуқуқий нормаларнинг ролини оширишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-модда- сида: «Айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади.

Тергов ва суд ишнин юри- тилишини ҳар қандай босқичда маълумати юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади.

Фуқароларга, қорхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатлар фаолият кўрсатади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади», дейилган.

Ўзбекистон Республикаси- нинг «Адвокатура тўғрисида»ги амалдаги Низоми 1980 йилда қабул қилнган бўлиб, табиий- ки, у бозор муносабатларига боғлиқ бўлган бутунги кун та- биларида жаав беролмай қолди. Шу боис адвокатлар фаолияти- ни тубдан такомиллаштирмай туриб, фуқароларнинг қонуний манфаатлари, айниқса, оид судо- лов соҳасидаги ҳақ-ҳўқуқларини реал ҳимоя қилишининг имкони йўқ. Мазкур қонун лойиҳаси ана шундай шароит ҳамда талаб- эҳтиҳадлар ҳисобга олинган ҳолда

ишлаб чиқилди. Лойиҳа иккита асосий тамойилга таъминланди. Биринчиси, адвокатлар хизматини фойдаланиш ва юридик ёрдам олиш им- кониятини яратиб бўлса, иккин- чиси, маълумоти юридик ёрдам- ни таъминлашдан иборатдир.

Қонун лойиҳасида адвоката- рга адвокатлик фаолияти ҳамда ҳусусий адвокатлик амалиёти билан шуғулланишга айрим шак- сларнинг мустақил, кўнгилли касбий беришларини ўз ич- ти оладиган тизим сифатида таъ- риф берилди. Қонун лойиҳасининг 3-моддасига муво- фиқ олий маълумотга эга ва қонунда белгиланган тартибда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳўқуқини берувчи лицензия олган республиканинг исталган фуқароси адвокатлик қилиш мумкин. Бундай лицен- зия олиш истадижа ҳамда талаб- имтиҳон топириши лозим.

Адвокатлик фаолиятининг тўхтатиб қўйилиши ёки тугати- лишга маълум комиссиясининг ҳулосасига мувофиқ лицензия

бержан органининг қарори асо- сида амалга оширилади. Адвокат агар мазкур қарорга норози бўлса, судга мурожаат қилиш ҳўқуқига эгадир.

Қонун лойиҳасидаги энг муҳим янгиликлардан яна бири — ҳусусий адвокатлик институ- тининг жорий этилишидир. Маз- кур қонунга мувофиқ лицензия олган шахс унинг адвокатлар бюросини очини ва яққа тар- тибда адвокатлик фаолияти бил- лан шуғулланиши мумкин.

Қонун лойиҳасининг 10-мод- дасида назарда тутилган адвокат- лик фаолиятининг кафолатлари ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга қоидалар. Унга мувофиқ адво- катлар фаолиятига у ёки бу тар-зда аралаштишга ёки бошқа йўсунда таъсир кўрсатиштишга йўл қўйилмайди.

Қонун лойиҳасидаги ҳақ тўлашга қодир бўлмаган, ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларнинг юридик ёрдам учун ҳақ тўлашга доир масала- ларни тартибга соливчи қоида жуда катта аҳамиятга молик, деб

ВАТАНГА ХИЗМАТ ҚИЛИМОҚДАН ОРТИК САОДАТ ЙЎҚ



Мустақиллигининг беш йиллиги деновликлар учун ҳам баракали келди: қалдирғок ҳосил — пилла тайёрлаш режиси ортиги билан ба- жарилди. Галларкорлар эришган на- тижалар ҳам диққатга сазовор бўлди.

Туман тарихида биринчи марта 43 минг тонна дон етиштирилди. Бу- нинг 22 минг тоннаси давлатга сотилди. Ҳосилдорлик 36 центнерга етиди. Галласи фўвб олинган 1993 тектаринг 9 минг тектарини шуғурдорлик. Шунинг 2 минг тектарига «Олдун» нави эртапишар пахта экиди. Чўчи етиштирилган ҳар тонна пахта юртими ободончилиги, қалқимзи фаровон- лилини таъминлашда муҳим кафолат экинчилиги яқин биламиз.

Пахта туман иқтисодиётининг асосий қисминини ташкил этади. Бултур биз режалаштирилганидан 13 фойз кўп — 48 минг тонна пахта етиштирилган эдик. Бу йил 50 минг тонналик маррани қўзлаб турибмиз. Айни кунларда пахта терими ёпиғасига бошланиб кетди. Ҳисоб-китобларга қараганда зима- га олдинги маъбирини қўлайлиги ҳисоб этиштирамиз.

Самарали меҳнат тўқайлик эриштирган юқори натижалар тумандаги ижтимоий масалаларни муваффиқият билан амалга оширишда муҳим омили бўляпти. Аҳолининг яқинлик сув ва табиий газ билан таъминлаш дастури- нинг ижроси жуда яқин кетаяпти. Шу йилнинг ўзида 720 хонадонга та- биий газ ёнди. Шоқул Ҳудойназаров номли жамоа ҳўжалигида қишлоқ врачлик деноваш маркази яқинда фойдаланишга топирилади. Қишлоқларда мактаблар қурилиши ҳам зўр суръатлар билан денов этмоқда. Умуман кейин- гини йилларда қишлоқларни ободонлаштиришга катта эътибор берилиши, Биз Олий Мажлисининг бутунги сессиясида ана шундай мухтасар ҳисобот билан келидик.

Сессия кун тартиби эса жуда бўв. Сессия муҳокамасида киритилган масалалар ижтимоий жиҳатдан жуда қимматли. Масалан, «Сийсий партия- лар тўғрисида»ги қонун лойиҳасини олиб кўрайлик: у мамлакатимизда би- ринчи бор қабул қилинмоқда. «Бухгалтерия ҳисоб-китоби тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокамага қўйилиши ҳам кўнгиллик қўйилганда иш бўлди.

Хулоса, истиқлолнинг беш йиллиги ижтимоий ҳаётнинг барча жабуларидан ўзини таъкидлаб турибди: Ўзбекистон манфаатлари учун хиз- мат қиладиган ҳар бир фуқаро бунин чин юрикдан ҳис қила олади. Ватанга хизмат қилишдан ортиқ саодат йўқдир.

Тыла МЕНГЛИЕВ,
Денов тумани ҳокими,
Олий Мажлис депутати.

ФУҚАРОЛАР САЛОМАТЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Маълумки, Олий Мажлисининг бу галги сессияси кун тартибидан «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам ўрин олган. Мухбиримиз Олий Мажлисининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитаси раисининг муовини Йўлдош ҚОРАЕВ билан мазкур қонун лойиҳасини қабул қилишдан кўзланган асосий мақсадлар, унинг мазмун моҳияти хусусида суҳбатлади.

— Йўлдош Умарович, республикамизда бундай янги қонун қабул қилинишига қай тарихи эҳтиёж туғилди?

— Бу — давр талаби. Мамлакатимизда рўй бераётган иқтисодий-ижтимоий ўзгаришлар, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам ислохотлар ўтказиш лозимлигини кўрсатмоқда. Бу борада аввало аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш, ўсиб келаётган ёш авлод саломатлигини асраш муҳим аҳамиятга эга бўлган вазифалар саналади. Ҳуқуқий-демократик жамият куриш даврида республикамизда аҳолининг ижтимоий ҳимоясига дахлдор масалаларнинг бири саналган соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришга, биринчи навбатда эса халқимизнинг муҳофаз таъабаларини ҳар томонлама ҳимоялашга асосланган кучли ижтимоий тизим яратилди.

Қонун лойиҳасини тайёрлашда республикада соғлиқни сақлашни ривожлантириш концепцияси (дас-тури) асос бўлиб хизмат қилди. Ушбу лойиҳа соғлиқни сақлаш соҳасида ислохотларни бошлаб беради.

— Энди бевосита қонун лойиҳасига тўхтайсак...

— Лойиҳа 6 боб, 47 моддадан иборат бўлиб, давлат, хусусий ва бошқа соҳалар йиғинидан иборат ягона соғлиқни сақлаш тизимининг ривожланиши белгилаб беради. У қабул қилинган республикамизда биринчи марта фуқаролар соғлиғини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлашга асосланган мустақил соғлиқни сақлаш соҳасини шакллантириш имконияти юзга келади. Қонун лойиҳасида фуқароларнинг соғлиғини сақлаш борасидаги кафолатлари Конституцияга, умум эътироф этил-

лаш кўзда тутилган. Ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири бу — соғлиқни сақлаш соҳасининг давлат бюджетидан ташқари турли хил молиявий манбалардан фойдаланишини ташкил этишдан иборат. Бунда аҳоли ўз соғлиғини асрашдан иқтисодий манфаатдор бўлса, соғлиқни сақлаш муассасалари меҳнат ва моддий ресурслардан унумли фойдаланишдан ва энг асосийси, рақобатта дош берадиган сифатли медицина хизмати кўрсатишдан, корхоналар эса соғлом ишчи кучини ташкил топтиришдан манфаатдор бўлади.

Соғлиқни сақлаш соҳасининг кейинги ривожланиши босқичда ҳам давлат томонидан кафолатланган ҳар бир фуқаронинг малакали тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи асос бўлиб хизмат қилиши лозим. Концепциядаги соғлиқни сақлаш соҳасининг ривожланиш дасури давлат сифатида белгилаш ва қонуний асосга эга бўлиши учун «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши катта аҳамиятга эгадир.

— Энди бевосита қонун лойиҳасига тўхтайсак...

— Бу масала алоҳида катта бир бўлимда ўз аксини топан Жумладан, иш берувчилар зиммасига корхоналардаги ишчи ва хизматчиларни ўз вақтида мажбурий тиббий кўриклдан ўтказиш масъулияти юклатилган. Бу эса ўз навбатида санатининг турли тармоқлари ривожланётган ҳозирги даврда фуқаролар соғлиғини муҳофаза қилиб, уларни касбий ва юқумли касалликлардан асрашда мустаҳкам омил бўлади.

Ушбу қонун лойиҳасини тайёрлашда депутатлар, олимлар, республика Касаба уюмлари федерацияси кенашчи, Соғлиқни сақлаш, Азия, Ижтимоий таъминот, Меҳнат вазириликларнинг юқори малакали мутахассисларидан иборат таркибда тузилган ишчи гуруҳи самарали меҳнат қилди.

Дунёдаги кўплаб мамлакатларнинг фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасида тулган тажрибаларидан унумли фойдаланилди. Қонун лойиҳаси бир неча марта қўмитамиз йиғинишларида муҳокама қилинди ва депутатлардан, қўмиталардан, вазирликлар ҳамда жамоат ташкилотларидан 150 га яқин тақлиф-мулоҳазалар олинди. Шунингдек, Жаҳон банки, Америка ҳуқуқшунослари ассоциацияси ва жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа худудий бюросидан лойиҳа маълумланган тақрирлар олинди, қонунни қайта ишлашда уларнинг тавсияларидан унумли фойдаланилди.

фатини назорат қилиш механизми белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, халқ таботати, тиббиётчилар ва дорихунослар ассоциациялари ҳақидаги моддалар ҳам илк бор ушбу қонун лойиҳасидан ўрин олгандир.

— Қонун лойиҳасида фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масаласига қандай эътибор қаратилган?

— Бу масала алоҳида катта бир бўлимда ўз аксини топан Жумладан, иш берувчилар зиммасига корхоналардаги ишчи ва хизматчиларни ўз вақтида мажбурий тиббий кўриклдан ўтказиш масъулияти юклатилган. Бу эса ўз навбатида санатининг турли тармоқлари ривожланётган ҳозирги даврда фуқаролар соғлиғини муҳофаза қилиб, уларни касбий ва юқумли касалликлардан асрашда мустаҳкам омил бўлади.

Ушбу қонун лойиҳасини тайёрлашда депутатлар, олимлар, республика Касаба уюмлари федерацияси кенашчи, Соғлиқни сақлаш, Азия, Ижтимоий таъминот, Меҳнат вазириликларнинг юқори малакали мутахассисларидан иборат таркибда тузилган ишчи гуруҳи самарали меҳнат қилди.

Дунёдаги кўплаб мамлакатларнинг фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасида тулган тажрибаларидан унумли фойдаланилди. Қонун лойиҳаси бир неча марта қўмитамиз йиғинишларида муҳокама қилинди ва депутатлардан, қўмиталардан, вазирликлар ҳамда жамоат ташкилотларидан 150 га яқин тақлиф-мулоҳазалар олинди. Шунингдек, Жаҳон банки, Америка ҳуқуқшунослари ассоциацияси ва жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа худудий бюросидан лойиҳа маълумланган тақрирлар олинди, қонунни қайта ишлашда уларнинг тавсияларидан унумли фойдаланилди.

Айтиш мумкинки, «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси барчада катта қизиқиш уйғотди. Албатта, бу табиий ҳол. Чунки унинг амалда бўлишидан ҳар бир инсон, ҳар бир оила, қолаверса, жамият катта наф қўради. Бойси, у олтиндан ҳам қиммат, бебаҳо бўлган соғлиғимизни асрашда бизга ҳуқуқий кафолатни таъминлаб беради.

«Халқ сўзи» мухбири Фафур ШЕРМУҲАММАД суҳбатлади.

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ, ТАРАҚҚИЁТ ВА РАВНАҚНИ КЎЗЛАБ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жиддий илмий асарни ташкил этиди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ва унинг теварагида юз бераётган жараёнларнинг моҳиятини тула тушуниб этиш учун бу асарни чуқур ўрганиш лозим.

«Палая» наشريети вакили, нашриётнинг ана шу лойиҳаси раҳбари Николай Мишин, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири академик Оқил Салимов китоб билан таништириш маросимиде сўзга чиқиб, янги нашрини тавсифлар экан, унда жамланган нутқ ва мақолаларнинг юксак баҳолаб, муаллифнинг воқеа-ҳодисаларга муносабатини, китобда акс этган воқеа ва жараёнларнинг бевосита тулган ўрнини тушунириб берди.

Китоб муаллифи, мустақил Ўзбекистон Президенти ўз мамлакатига ҳам, ундан ташқарида ҳам фаоллик билан ҳаракат қилаётган давлат бошқари, амалиётчи раҳбарига эмас, айна

пайта давлат қурилишининг тевран назаритчи сифатида машҳурлиги, унинг ижтимоий-сиёсий қарашлари халқро ҳам-жамиятда эътиборни жалб этаётгани қайд этилди.

Совет Иттифоқи парчаланиб кетган, унинг худудида вужудга келган ёш давлатларнинг раҳбарлари зиммасига янги мамлакатларни оёққа турғизиш ва обод қилиш, уларда иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларни яқинлашиб келаётган XXI аснинг қаттиқ талабларига мос равишда амалга оширишдек оғир вазифа тушди. Президент Исом Каримовнинг асарларида Ўзбекистон тараққиётининг тарихий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатлари, унинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш модели айна шу нуқтан назардан қараб чиқилган. Мамлакатнинг ўзига хос ўтмиши ва ҳозирги ҳаётини чуқур идрок этишга асосланган, уни ижтимоий-иқтисодий, ривожлантиришнинг энг ишончли йўллари изланаётганлиги белги-ланган мақсалларга эришишга,

Ўзбекистоннинг келажаги буюк-лигига ишонч бахш этиди, деб таъкидланди учрашувда. Биз яшаётган давр, кейинги учрашув иштирокчилари, ижтимоий тараққиётни танлаб олинган йўлдан изчиллик ва қатъият билан йўналтиришга қодир бўлган йирик раҳбарлари ва ўзига хос мутафаккирларни майдонга чиқармоқда. Президент Исом Каримов, шубҳасиз, ана шундай раҳбарлардан биридир. Унинг учун энгил кечгани йўқ. Лекин шу йилларда синовлар ва хотолар йўлидан эмас, балки мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Исом Каримовнинг теран ва янги ҳазарий ишларига, соғлиқсизлиги ва қатъий про-дасига асосланган, пухта ўйлан-ган ва аниқ белгиланган йўлдан борилди.

Китоб билан таништириш маросимиде Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Голішев, Президентнинг матбуот котиби М. Муҳаммад Дўст иштирок этиди. (ЎЗА).

ЖИМ ТУРИШ ЖИНОЯТ, МАДАНИЯТ АРЪОБЛАРИ

Сайлов арафасида касбдошларим, Президент Ельциннинг ишончли вакиллари қатори мен ҳамма учрашувларда: «Борис Николаевич сайланса, Чеченистондаги уруш ҳам тўхтайдми» деган эдим. Лекин бу уруш, бу даҳшатлар давом этмоқда ва унинг охири кўринмапти.

Мен ҳозир оғир юрак ҳаслати билан шифохонада ётибман. Бу қонли уруш ҳуқуқидан келаётган ҳар бир янги хабардан юрагим қаттиқроқ оғримоқда. Эҳтимолки, айна шу сабабли касбдошларимнинг тутан йўли мени қаттиқ ларзага солмоқда.

Чеченистонда уруш кетаётган бир пайта, умуман қашшоқлик ва хусусан маданият қашшоқлиғи шароитида меннинг соғлом, чиройли, кўшда тобланган касбдошларим бўлажак маданият вазири қайси жинслдан бўлиши керак — аёлими ёки эркекми деган долзарб, ўта жиддий муаммони муҳокама қилишмоқда. Улар мана шу долзарб муаммо ҳақида шубҳа қўйиб, унинг охири кўринмапти.

сибат бор. Қанчадан-қанча киши ҳалок бўлди! Қанча тирик одам омон қолиш ҳуқуқидан маҳрум?

Президент яна ўз лавозимини эгаллагач, эртасига қандайдир уяғли-маҳрум мотам кунини қилинди. Бу мотам кунини биз ўша беҳуда, жиноят-корона, тижорат урушида ҳалок бўлган аниқ бирор киши учун кўз ёши тўққанамиз йўқ.

Туякуш каби бошини қумга тикиб яширинаётган зиёлиларимизни кўриб, изтироҳ ва хайратга тушаман. Улар қумдан бошини кўтариб қарайди-ю, худ, дин тўғрисида гапирди.

бўлиб қолибмиз. Ҳокимиятга йўл қўйиб берсак, иккинчи жаҳон уруши йилларида дунё «Герники» сўзидан кейин қандай ларзага келган бўлса, энди «Грозний» сўзидан шундай ларзага тушиши мумкин.

Бугун, ҳозирнинг ўзида ҳеч қандай чора-тадбир кўрмай, нега кейин нима бўлишини кутиб ўтирибмиз?

Зиёлиларнинг ҳозирги афсонавий тарзаги бефарқлиги — жиноят, федерал ҳарбийлар олдига ҳам, ҳокимият тепасида турганлар олдига ҳам фуқаро сифатида таслим бўлишдир.

халқини битталаб эмас — юз-талаб ва минг-талаб қилиб ташлаётганига тоқат қилаётганида мен жим тура олмаман.

Биз нима иш қилипмиз, қандай санъат тўғрисида гапиряпмиз? Бундай қун ва соатда бу гапларнинг барчаси сохта ва ёлгон. Бир вақтлар Вьетнам ҳунрезлигини сенат ва конгресс эмас, балки халқ ва унинг зиёлилари тўғрисида, мамлакатда урушга қарши қудратли ҳаракат вужудга келган эди. Буюк одамлар Вьетнам урушига қарши норозилик белгиси сифатида «Оскар»лардан, мукофотлардан воз кечган эди. Биз аниқ бир инсоннинг ҳаётини менсимайдиган давлат билан қандай келиша оламиз? Бундай давлат ҳар биримиз учун қандай аҳамият касб этади?

Кўзимизни очайлик!!
Александр КАЛЯГИН,
Россия халқ артисти.
(«Известия»нинг 1996 йил 23 август сонидан олинди).

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР МАСКАНИ



Мустақилликнинг беш йиллиги арафасида Ўзбекистон темирйўлчилари ана бир қўлайликка эва бўлдилар. Фарғона водийсининг сўлам ва хушхаво Чимён масканидеги темирйўлчилар пансионати ёнида 100 уйли даволаш ва дам олиш оромгоҳи фойдаланишга топширилди.

Тоҳиржон ХАМРОҚУЛ олган суратлар.

МАТБУОТ ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ ХИЗМАТИДА

Шу йилнинг 22-23 август кунлари Монголия пойтахти Улан Батор шаҳрида Халқро журналистлар федерацияси ташаббуси ҳамда ТАСИС Европа комиссиясининг демократия программаси раҳнамолигида журналистлар халқро ташкилотининг «Демократик жамиятда мустақил журналистика» мавзусида Осиё регионал давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатида Япония, Жанубий Корея, Монголия, Россия, Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон журналистлар ташкилотларининг делегациялари, ЮНЕСКО ва бошқа бир неча халқро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этидилар.

Монголия эркин ва демократик журналистлар ассоциациясининг президенти П. Дашдонтов давра суҳбатини матбуотнинг демократик жараёнларни чуқурлаштириш ва ривожлантиришдаги ўрни тўғрисидаги қисқача маъруза билан очди. Халқро журналистлар федерациясининг президенти Жене Линде «Мустақил матбуотнинг сиёсий ва иқтисодий муаммолари» мавзусида маъруза қилди.

Суҳбат қатнашчилари икки кун давомида ер юзининг турли минтақаларида кечаётган бугунги мураккаб иқтисодий ва сиёсий жараёнлар чўғида оммавий ахборот воситаларининг роли, журналис-

тика муаммолари, матбуотда сўз эркинлигини таъминлаш, тула ахборот айирбошлаш, ахборотларнинг тула ва холислигига эришиш, журналистларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, турли нуқтан назарларини эркин ифода эта олиш каби бир қатор долзарб масалаларни муҳокама этидилар. Соёқ СССРнинг айрим худудларида кечаётган сиёсий танглик, қуролли можаролар оқибатида матбуот иқтисодий жиҳатдан қийин аҳволга тушиб қолганлиги, журналистлар ҳаёти муҳофаза остига олинмаганлиги таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўлаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фонднинг ҳамраиси А. Медибоев «Матбуотнинг демократик жараёнларни ривожлантиришдаги роли» мавзусида маъруза қилди.

Давра суҳбати қатнашчилари Ўзбекистон, Қозғистон ва Қирғизистон журналистлар ташкилотларини Халқро журналистлар федерацияси аъзолигига қабул қилиш тўғрисидаги тақлифлар хусусида, бу масала белгиланган тартибда кўриб чиқилиши ва ижобий ҳал этилиши мумкинлигини эътироф этидилар.

Давра суҳбати сўнгида қабул қилинган янғилуви декларацияда муҳокама этилган масалалар моҳиятидан келиб чиқадиган асосий вазифалар йўналиши ўз аксини тоғди. Халқро журналистлар федерациясининг яқин келгусидаги давра суҳбатларидан бирини Марказий Осиё республикаларидан бирида ўтказишга қарор қилинди.

Биз барча фуқароларни
**Мустақиллик байрами билан
табриклаймиз!**
Ҳаммага бахт-саодат, саломатлик
тилаймиз ва ҳар бир Ўзбекистон
фуқаросининг омадли
акция эгаси бўлишига умид билдирамыз.

«БИ-ЭЛ-МОТОРС»
Тошкент шаҳридаги ўз омбороналаридан қуйидагиларни арзон нархларда сотади!
● электродвигателлар;
● санқизиўлик шифер (Қирғизистон маҳсулот);
● «УЗДЭУ электроник» корхонаси маҳсулотлари;
● ЭЦВ 6 насослари;
● ПНОМ 10/10;
● ТХИ 90/49
● кимёвий насослар;
● НВ 50/50 нефтини сўрувчи насослар.
Манзил:
Тошкент шаҳри,
Жомий майдоши,
Тошкент агрегат
заводи биноси,
1-қават.
Телефонлар:
(3712) 48-28-74,
48-29-42.
Факс: (3712)
48-19-40.

«KELAR» фирмаси
Тошкентдаги омбордан қуйидагиларни сотади!
1. УАЗ автомашиналари учун автосиналар (215/90-15С, R-245).
2. EPSON 1050+ принтерлар.
3. GCT-60 аккумуляторлар.
Телефонлар: 627486, 629067.

Тошкентдаги омбордан сотилади
● газпайванд аппаратлари (бут ҳолда);
● горелкалар, резаклар, асбоблар;
● баллонлар: кислородли, пропанли;
● ускуналар тўплами.
Ҳақ тулаш пил утказиш йули билан ҳамда бекседа.
Манзил: метронинг С.Раҳимов бекати «Восток» ИИБ (тел.: 188).
Телефонлар: (3712) 79-36-02, 79-36-04, 72-03-65, 65-94-32, 42-25-39.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳайати, раҳбарияти ҳамда шахсий таркиби Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-майори Ж. Шилмановага ораси
АЙТҲУЛ аянинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

• Мустақиллик иншоотлари

Ўзбекистон нимаси кўп, тўй-маъракаси кўп. Ҳамонки тўй экан, демак, унинг анчайин тўёниси, ўзига яраша лак-лак ташвиши ҳам бўлади. Лекин бу некбин, ёқимли ташвиш. Гапининг нишаби қайққа энаётганини англаган бўлсангиз керак. Қутлуғ арафа кунларида мамлакатимизда ўзгача бир тарраду, кўтаринкилик руҳи ҳукмрон. Гўзал Тошкентимиз бамисоли улкан тўйхонани эслатади.

Амалга оширилаётган қурилиш-ободончилик ишларининг қуламини ифодалашга қалам оқиз. Борди-ю, буларни ўз кўзингиз билан кўрмоқчи бўлсангиз, ҳеч эринманг — пойтахтимиз кўчаларини пой-пайда кезинг, томоша қилинг. ...Мана, Юнусобод мавзесидаги Муродов кўчасида қад ролетлаган янги гиштин бино. Қўш қаватли, кўркам, замонавий. Дарвоқе, унинг қандай мақсадга мўлжалланганини билмайсанми? Ҳизр назар солган қадим шаҳримиз бағридаги матбаа-ноширлик корхоналари яна биттага кўпаядиган бўлди. Бир йиллик меҳнат ва изланишлар поёнига етмоқда. Ҳозир бу ерда сўнгги пардозлаш, монтаж ишлари амалга ошириляпти.

Полиграфия саноати мустақил республикамизнинг яхлит иқтисодий тизимида муҳим ўрин тутди. Тармоқни янада ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш жаҳон андозаларига мос ноширлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ҳал қилувчи омилдир. Бу боралда хорижий сармояларни жалб қилиш, чет эллик ноширлар билан иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш яхши самара беради, албатта.

Узоққа бормайлик. «Ўзбекистон» нашриёти раҳбарияти ўтган йили хайрия ишга қўл урди: Буюк Британиянинг «Алармо Дистрибуторс Инк» фирмаси билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатилиб, Тошкентда янги босмахона қуриш, қўшма

холос. — дейди унинг директори В. Жўраев. — Аслида биз миждоғларга барча турдаги матбаа-ноширлик хизматларини кўрсатишга бел боғлаганмиз. Ривожланган мамлакатларда шундай қилинади. Ўзбек по-

ларига тўла мос. Буюртмачи — «Ўзбекистон» нашриёти, пудратчи — «Ўзсувқурилиш» концерни. Бинонинг лойиҳа баҳоси 75 млн. сўм. Ҳозиргача иншоотда 32 млн. сўмлик қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Компьютерлар, дастгоҳлар, полиграфия ускуналари, бошқа зарур жиҳозлар бу ҳисобга кирмайди. Мўлжалимиз буйича, янги босмахона энг илгор хорижий полиграфия муассасалари даражасида бўлиши керак. Шунга ҳаракат қилаяй-

кадрлар керак. Яқин келажакда бу ерда беш хил рангли босма маҳсулотлар — китоблар, журналлар, откриткалар, ёриқлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Шу мақсадда Германия, Австрия, Туркия каби давлатлардан ранг ажратувчи самарали ускуналар сотиб олинди. Улар жамоа аъзоларининг мушкуллини осон қилиши турган гап. Қолаверса, дастгоҳларни ўрнатиш ва ишга туширишда юқоридан тилга олинган хорижий давлатларнинг мутахассислари яқиндан ёрдам кўрсатишмоқда.

Биз янги иншоотда бўлиб, қурилиш жараёни билан танишганимизда бунга тўла ишонч ҳосил қилдик. Хар кимнинг вазифаси аниқ. Асосий бино қўлдан чиқарилган. «Ўзбекистон» нашриёти директори Ш. Мансуровдан тортиб, «Ўзсувқурилиш» концернига қарашли 15-хўжалик ҳисобиди участка бошлиғи Р. Қурамингача иш бошлади. Чунки вақт жуда тиз. Ҳаммасига улгуриш, муаммоларни жойида ҳал этиш лозим. Пайвандчилар, монтажчилар, йўлсозларнинг қўли-қўлига тегмайди. Айтишларича, бу ерда ҳар кун 80-90 нафар қурувчи меҳнат қилади. Босмахона биносини барпо этишда А. Рашидов, Д. Калиберда, К. Абдуллин, А. Гилмулдинов, И. Шамсутдинов, М. Дунбаев каби қурувчиларнинг ҳиссаси, айниқса катталар.

Улар ҳамон ғайрат ва суръатни бўшаштирмай, астойдил тер тукишяпти. Хуллас, корхона фойдаланишга топширилгани, дастлабки маҳсулот ишлаб чиқариладиган кун узоқ эмас.

Н. ТОШЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

РАНГЛИ НОШИРЛИК КОРХОНАСИ

корхона ташкил этишга қарор қилинди. Тегишли ҳужжатлар имзоланди. Энг муҳими, белгиланган режалар қозғода қўлиб кетгани йўқ. Зеро, ҳар икки томон бундан манфаатдор эди. Кўйилган капитал маблағлар ҳам тенг: 50—50. Шу тариха масъулияти чекланган «Растр» қўшма корхонасига асос солинди. Ҳозирда у республика Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган бўлиб, юридик шахс мақомига эгалдир.

— Босма маҳсулотлар ишлаб чиқариш — корхонамиз фаолиятининг бир қирраси,

лиграфияси ҳам энди жаҳон миқёсига чиқиши керак. Бизга хўжалик фаолияти учун экспорт ва импорт операцияларини амалга ошириш, савдо-сотиқ соҳасида ҳамкорларни эркин танлаш ҳуқуқи берилган. Бу ишларимизни йўлга қўйишда қўшимча имкониятлар беради, албатта.

— Янги босмахонани барпо этишда қайси жиҳатларга кўпроқ эътибор берилди? Унинг лойиҳа баҳоси қанча?

— Аввало шунга айтишим керакки, биз қурилишни бултур август ойда бошлаганмиз. Барча ҳисоб-китоблар жаҳон талаб-

миз. Барча жараёнлар автоматик усулда бошқарилади. Дастлабки компьютер ускуналари, ранг ажратувчи полиграфия дастгоҳлари ўрнатиб бўлинди. Ходимларимиз аини кунда уларда ишлашни ўрганаётимиз. Бу фикрларга шунга қўшимча қилиш мумкинки, янги босмахонанинг имкониятлари катта, истиқболи порлоқ. Жамоа аъзоларини шакллантиришга жиҳдий аҳамият берилмоқда. Чунки замонавий техникаларни бошқаришнинг ўзи бўлмайди. Уларни «жиловлаш», инсон измига бўйсундириш учун эпчил қўллар, билимдон

нинг теннис кортида икки кун давомида вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари, ташкилотларнинг раҳбарлари иштирокида вилоят ҳокимлиги соврини учун теннис мусобақалари бўлиб ўтди.

Беллашувга яхши тайёргарлик кўрган Зафаробод тумани ҳокими Собиржон Абдусатторов бош совринни қўлга киритди. Вилоят ташкилотлари раҳбарлари

МАГИСТРАТУРА ҲАМ ОЧИЛДИ

Самарқанд давлат университети география факультети қошида халқаро ахборот маркази иш бошлади.

У Самарқанд туризм инфраструктураси ҳусусиятларини ўрганиш ҳамда ушбу соҳа ходимлари ва талабалар малакасини ошириш билан шуғулланади. Эътиборли томони шундаки, марказ ҳузурида магистратура ҳам очилди. Ҳозир бу ерда Бельгия ва Италиядан келган олимлар, Самарқанд давлат университетининг етакчи мутахассислари иш олиб боришмоқда.

М. МУКИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Спорт • Спорт

ЮРТДОШИМИЗ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ


Австралия пойтахти — Сиднейда 21—25 август кунлари ёшлар ўртасида энгил атлетика бўйича жаҳон чемпионати ўтказилди. Унда иштирок этган тошкентлик халқаро тоифадаги спорт мастери Сергей Воинов найзани 79,60 метр масофага улоқтириб, жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди. «Меҳнат резервлари» жамиятининг вакили бўлган ҳамюртимиз Атлантада ўтказилган олимпиада ўйинларида 76,30 метр натижага эришган эди.

ҲОКИМ — ҒОЛИБ
Мамлакат мустақиллиги беш йиллиги шарафига Жиззахдаги «Сўғдийна» стадиони-

уртасида соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Мунаввар Солиқов энг яхши натижага эришди.

КИТОБДА ТЕННИС КОРТИ

Китоб туманида минг ўрнли замонавий теннис корти фойдаланишга топширилади. Уни Китоб ип йнгирув фабрикаси буюртмасига



Олимпия шон-шухрати музейи очилишига ҳам санокли кунлар қолди. Яқин келажакда бу ерда намойиш қилинадиган турли экспонатлар, суратлар, видеофильмлар нафақат бизнинг мамлакатимизда, балки бутун дунёдаги Олимпия ҳаракати тўғрисида ҳикоя қилади.

СУРАТЛАРДА: музейнинг олди кўриниши; сўнгги тайёргарлик ишлари авжсда. А. РИСКИБЕВ олган суратлар.



Бухорода мустақиллик кўни 430 ўрнли тўрт юлдузли меҳмонхона очилди. У «Ларсен энд турбо ЛТД» Ҳиндистон фирмаси томонидан 2500 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўраётган қадимий Бухоро шаҳари меҳмонларига атаб қурилган. Ун бир қаватли маъмур бино халқаро талабларга мувофиқ жиҳозланган.

Бухорода мустақиллик кўни 430 ўрнли тўрт юлдузли меҳмонхона очилди. У «Ларсен энд турбо ЛТД» Ҳиндистон фирмаси томонидан 2500 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўраётган қадимий Бухоро шаҳари меҳмонларига атаб қурилган. Ун бир қаватли маъмур бино халқаро талабларга мувофиқ жиҳозланган.

Кўра «Ўзжамхўжқурилиш» бирлашмасининг тумандаги 225-хўжаликлараро механизмлашган кўча идораси қурувчилари бунёд этди.

Қашқадарё вилояти ҳокими О. Пармонов туман аҳолиси ва спорт мухлисларини янги теннис корти очилиши билан табриқлади. Шу кунидеъ бу ерда дастлабки мусобақалар, Қарши теннис мактаби ўқувчиларининг кўргазмали чиқишлари ўтказилди.

БУЮК БРИТАНИЯНИНГ "КАЛО ХОЛДИНГС КОРПОРЕЙШН" КОМПАНИЯСИ

Иқтидорли ва меҳнатсевар Ўзбекистон халқини мамлакат мустақиллигининг беш йиллиги билан қизғин қутлайди.

Бизга юртингизнинг гуллаб-яшнаши йўлида, қурилиш ва бошқа лойиҳаларда ўзбекистонлик биродарлар билан мустаҳкам ҳамкорлик қилиш ва инсониятнинг бахт-саодати учун бирга ишлаш завқ бағишлайди.



МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖўРАБОВЕВ.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Мерос ва қадриятлар 36-29-89;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодийёт 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Туни муҳарририят 33-10-28;
Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Сатторов,
Навбатчи — Ҳ. Ҳайдавлов.